Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | **1996 йил 9 июль, сешанба № 87 (22.008).** | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ХАЙРИЯГА БЕРИЛГАН "ШКОДА"

САМАРҚАНД. "Фольксваген" ва "Шкода" фирмалари доктор Зокирийнинг номидан шаҳар ички ишлар бошқармаси ва "Тез ёрдам" станциясига замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган "Шкода" машиналарини хайрия сифатида совға қилди.

Фармон ТОШЕВ.

ЮРТ ЎҒЛОНИГА ЁДГОРЛИК

БУХОРО. Халқимиз ўзининг суюкли фарзанди Файзулла Хўжаев номини ҳурмат билан ёдга олмоқда. Шаҳарнинг сўлим хиёбонларидан бирида Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига атаб унинг ҳайкали ўрнатилди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЖАМҒАРМАГА БИР МИЛЛИОН

ЖИЗЗАХ. Вилоят ҳокимлиги республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси вилоят бўлимини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджетдан бир миллион сўм ажратди. Вилоят ҳокимининг фармойишида ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Жиззах бўлимида жамғарманинг миллий ва чет эл валютасидаги ҳисоб рақамини очиш ҳақида ҳам кўрсатма бор.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИКБОЛ ТАРҒИБОТЧИСИ

ҚАШҚАДАРЁ. Юртимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, Президент фармонларини турмушга татбиқ этишда тарғиботчи бўлиб турган Қарши туманидаги "Истиқбол" газетасининг ташкил этилганлигига 65 йил тўлди. Туман ҳокимлиги муассис бўлиб турган рўзноманинг ўзига хос тўйида мухбирлар, фахрийлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Бир гуруҳ ижодкор ва матбаачиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Илҳом КАРОМОВ.

"ТАДБИРКОРБАНК" ЯНГИ БИНОДА

НАМАНГАН. Уйчи тумани ҳокимлиги ишбилармон ва тадбиркорлар учун имкониятлар яратмоқда. Туман марказида қад ростлаган "Тадбиркорбанк"нинг янги биносини фойдаланишга топширилиши ҳам шундан нишона. Бинонинг очилишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев иштирок этди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

КУЛОЛЧИЛИК КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ. Республика давлат санъат музейида "Замонавий япон кулолчилиги" кўргазмаси очилди. Бу ерда 60 га яқин сопол буюмлар намойиш этилмоқда. Буюмлар асосан Кутани вилояти усталарининг ишларига мансуб. Уларда замонавийлик, ўзига хос анъана, услуб ва мумтоз санъат йўналиши намоён.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.



СУРАТДА: «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси йиғув цехида.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА ШОШИЛИНЧНОМАЛАР

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Келажаги буюк давлат — Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида Америкага расмий ташриф буюришингиз чинакам маънода жаҳоншумул воқеадир. Бу мамлакатимизнинг нуфузини оширишда яна бир муҳим қадам. Американинг кўзга кўринган давлат арбоблари, дунёга машҳур фирмаларнинг бошлиқлари, айниқса, Президент Билл Клинтон билан учрашувларингиз бизни қувонтирди.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш бўйича бир қатор битимларга имзо чекилди.

Бу мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва обрў-эътибори янада ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Биз олимлар, университетимизнинг барча талабалари Сизнинг бундай саъй-ҳаракатингиздан беҳад қувондик.

Сирожиддин ЗАЙНОБИДДИНОВ,
Бобур номидаги Андижон Давлат университетининг ректори, Беруний мукофоти лауреати.

***

Азиз ва муҳтарам Ислом Абдуғани ўғли жаноблари!

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Биз Бўка тумани мусулмонлари Сиз муҳтарам зотнинг Америка ва Италия давлатларига сафарингиз Оллоҳнинг иноятти ила зафар билан якунланганидан беҳад шодмиз. Албатта, Сиз хорижий юртларда мамлакатимиз довруғини янада ошириш учун, унинг нуфузини кўтариш учун улуғ ишларни бажариб келдингиз. Биз беш вақт намоз пайтида Сизга қўлласин!

Сизга сиҳат-саломатлик тилаб, юрт бахти, фаровонлиги, унинг буюк келажаги учун қилаётган эзгу ишларингиз доимо олға боссин, деб дуо қиламиз!

Баҳриддин ҒАФФОР ўғли,
Тошкент вилояти Бўка туманидаги Ўртақўрғон жомъе масжиди имом-ҳатиби.
Аъзамхожи АҲМАД ўғли, масжид мутаваллиси.

***

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг Италия ва Америка Қўшма Штатларига қилган расмий ташрифингизни диққат билан кузатиб бордик. Айниқса, кўплаб ишбилармонлар билан учрашувларингиз бизда яхши таассурот қолдирди. АҚШ Президенти Билл Клинтон билан суҳбатингизни кузатиб туриб, Ўзбекистонимиз мустақиллик йўлида нақадар юксалиб бораётганлигига имон келтирдик.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, бунёдкорлик меҳнати, чет эл сармоядорларининг тўла кафолатланганлиги ҳақиқий маънода бизнинг мамлакатимиз келажакда буюк давлатга айланишидан далолат беради.

Бизнинг корпорациямиз меҳнат жамоалари ҳам Сизнинг ва Сиз бошчилигингиздаги ҳукуматимизнинг ташқи ва ички сиёсатини маъқуллашмоқдалар. Олимларимиз, соҳибкорларимиз ва барча ходимларимиз мамлакатимизнинг иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада оширишга ҳаракат қилаверадилар. Шу боисдан Туркия, Финляндия, Италия, Болгария ва бошқа мамлакатларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда янги-янги қўшма корхоналар бунёд этишмоқда. Ўйлаймизки, яқин келажакда Ўзбекистонимиз мева ва узумни юксак даражада қайта ишлай оладиган мамлакатга айланади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Республикамизнинг барча деҳқонлари ва соҳибкорлари номидан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва оилангизга тинчлик, хотиржамлик тилаймиз!

Маҳмуд МИРЗАЕВ,
Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси бош директори, академик.

ҚИШЛОҚНИНГ КЕЛАЖАГИ

Самарқанд. Вилоят ҳокимлиги Самарқанд қишлоқларининг 2000 йилгача бўлган ижтимоий инфраструктураси тараққиётини таъминлаш юзасидан қарор қабул қилди. Мазкур режага мувофиқ, биргина Булунғур туманида йил охиригача 3 та мактаб, 3 та қишлоқ шифо маскани, 4100 квадрат метр уй-жой хўжалик ҳисобидан қурилади, 200 та абонентли телефон станцияси ишга туширилади, «Қодир» савдо маркази, Келдан қишлоғида эса маиший хизмат уйи қуриб битказилади.

Фармон ТОШЕВ.

РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИОН СУДИДА

5 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг мажлиси бўлди. Мажлисни Конституцион суд раиси Б. Эшонов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди регламенти лойиҳалари, Конституцион суд судьясининг шаъни кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди девони ва Конституцион суд қошидаги илмий-маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низомлар лойиҳалари муҳокама қилинди.

Конституцион суд раиси маърузасида мазкур органнинг ташкил этилиши натижасида республикада Конституциянинг устунлиги ва тантанаси таъминланган ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинадиган давлатта айланиш учун ҳақиқий имконият тугилгани қайд этилди. Конституцион суд ваколатлари, унинг сайланиш ва фаолият тартиби мамлакат Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституцион суди тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. Муҳокамага қўйилган регламент суд ишларини олиб боришнинг тартиб-қоидаларини, суд жараёнининг хусусиятини, Конституцион суд ходимларига қўйиладиган талаблар ҳамда Конституцион суд фаолиятига тегишли бошқа масалаларни белгилайди, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг процессуал кодекси бўлиб қолади.

Конституцион суд судьялари таклиф этилган лойиҳаларни ҳар тарафлама ва синчковлик билан муҳокамадан ўтказиб, тегишли қарор қабул қилдилар.

Конституцион суд мажлисида унинг фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон Олий суди раиси У. Мингбоев, республика Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, республика адлия вазири С. Мирсафоев, республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари У. Худойқулов ва бошқалар иштирок этишди.

(ЎзА).

ЖАҲОН ХАБАРЛАРИ МАРКАЗИ (ЖХКД)

ФАЗОВИЙ САЁҲАТ

Колумбиянинг «Шаттл» деб номланган фазо кемаси 17 кунлик тиббий тадқиқот ўтказгач, Флорида штатига муваффақиятли қўнди. Чет кузатувчиларига фазо кемасининг ерга қўниши жараёнида биринчи марта фазогирларни видеокамера орқали кузатишга рухсат берилди. Беш америкалик, франциялик ва канадаликдан иборат экипаж аъзолари фазовий саёҳатнинг инсон вужудига таъсирини тадқиқ этдилар.

БУҚАЛАР ЖАНГИ

Машҳур ёзувчи Эрнест Хемэнгуэйнинг «Қуёш яна кўтарилади» асарида батафсил тасвирланган буқалар жанги мавсуми Испанияда яна бошланди. Мавсум 9 кун давом этади. Шаҳарнинг тор кўчаларида қўтурган буқалар билан юзма-юз келаётган азамат жангчилар чинакамига жасорат ва мардлик кўрсатмоқдалар. Жангларнинг бирида Жанубий Африканинг 25 ёшли фуқароси жиддий жароҳатланди ва жарроҳлик хизмати кўрсатиш учун шифохонага келтирилди. Шундай жанглар тарихидаги охирги ўлим ўтган йили қайд этилган эди. Америкалик 22 ёшли жангчи йигит кейинги 15 йил давомида биринчи марта буқанинг қурбонига айланганди.

АРАБИСТОНДАГИ АМЕРИКАЛИКЛАР

Америка мудофаа вазири Уильям Перрининг айтишича, АҚШ Саудия Арабистони пойтахтига жанубдан ҳарбий ҳаво қўшинларини туширириши мумкин. Муайян вазиятдан келиб чиқиб, шу борада бошқа режалар ҳам пишитилмоқда. Бундай йўл тутишга Саудия Арабистонида 19 нафар Америка ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида тахминан 1,5 минг. мамлакатнинг бошқа шаҳарларида эса тақрибан 3,5 минг америкалик яшайди.

ЖИДДИЙ ХАТАР

«Шаттл» фазо кемасини батафсил кўздан кечирган эркин хавфсизлик бригадаси Америка Коинот вакиллигини даҳшатли ҳодиса юз бериши эҳтимолидан огоҳ этди. «Шаттл» фазо кемаси ўз дастурини амалга ошириши учун зарур сарф-харажатлар аста-секин қисқартирилиши лозим. Акс ҳолда, олдинда жиддий хатар эҳтимоли бор.

БИРЛИККА ЧАҚИРИҚ

Россия Президенти Борис Ельцин сайловдаги салмоқли галабасидан кейин халқ эътирофини ҳам ҳис этди. У мағлуб муҳолифиятга мавжуд ҳукумат таркибидан ўрин ва лавозимлар берилишига ишора қилди. Россия телевидениесидан сўзлаган нутқида Б. Ельцин мамлакат ва миллатни қолиблар ва мағлублар гуруҳига ажратиб бўлмаслигини таъкидлади.

(Рейтер агентлиги хабарлари асосида тайёрланди).

Қарор ва шарҳ

НАҚД ПУЛ ҲАРАКАТЛАНСА ҚАДРИ ОШАДИ!

ёки пул эмиссиясини қисқартиришнинг янги амалий тадбирлари моҳияти ҳақида

Сир эмас, мамлакатимизда миллий валютамиз — сўмнинг муомалага киритилганига роппа-роса икки йил тўлган бўлса-да, ҳамон нақд пул эмиссиясини камайтириш ҳақида бот-бот гапиришга тўғри келяпти. Ваҳоланки, республикамиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан шу ўтган икки йил ичида миллий валютамиз қадрини кўтариш ва унинг харид қувватини мустаҳкамлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай нега ҳамон муомалага чиқарилаётган нақд пуллар аҳоли қўлида қолиб кетмоқда? Аввалари-ку ортиқча пулларни сандиққа солиб қўйиш одатимиз бор эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тижорат ишларига кенг йўл очилгач эса муомалага чиқарилган нақд пуллар айрим ҳолларда банкларга келиб тушмай яна аҳоли қўлида туриб қолмоқда. Бунинг эса на ҳукуматга, на халққа фойдаси бор. Ҳукумат томонидан муомалага қўшимча нақд пулларни чиқариш мумкиндир, аммо бу нарса пулнинг қадрини туширишга олиб келади, холос.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси куни кеча ана шунинг олдини олиш мақсадида «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Унинг моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи муовини Мамаризо Бердимуродович НУРМУРОДОВ бизга шундай деди:

— Россия ва бошқа жойларда нафақа, маош ўз вақтида етказиб берилмаётгани ҳақида гап-сўзлар юрибди. Бизда ҳам шундай ҳолатлар бўлмаслиги учун бунинг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз мазкур муҳим қарорни қабул қилди. Бу қарорда кўтарилган масалаларни уч йўналишга бўлиш мумкин: биринчиси, банкдан ташқаридаги нақд пул айланишини ривожланган мамлакатлардаги каби банк орқали амалга ошириш, яъни нақд пулнинг банкка қайтиб келишини таъминлаш. Шу мақсадда қарорда маҳаллий ҳокимиятларга, иқтисодий органларга жуда катта, масъулиятли вазифалар юклатилди. Иккинчидан, банклардан олинаётган нақд пул маблағларининг кўзланган мақсадларга сарфланишини таъминламоғимиз лозим. Тижорат банкларига, вилоят ва шаҳар ҳокимиятларига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бу борада амалга оширилиши шарт бўлган аниқ топшириқлар қарорда ўз аксини топди. Ва ниҳоят учинчи йўналиш — бу ҳудудлар (жойлар)даги нақд пул миграциясини (кўчиб юришини) ва бунинг натижасида юзага келадиган нақд пул эмиссиясини кескин камайтиришдан иборат. Бунинг учун жойларда маҳаллий ҳокимиятлар ва ўша ҳудудлардаги савдо, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш муассасалари ишида кескин бурилиш ясаш ва уларга келиб тушадиган нақд пул тушумларининг тўлиқ равишда банк муассасаларига топширилишини таъминлаш лозим. Шу орқали аҳолига ўз вақтида маош, нафақа ва ҳокозоларнинг тўланишини таъминлаймиз. Шу йўналишдаги вазифаларнинг бажарилишини тўла таъминлаш учун қарорда иқтисодий рағбатлантириш ва бошқа чоралар ишлаб чиқилган.

«Республика минтақаларида нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги Низомда бу ишни намунали бажарган мансабдор шахсларга ойлик маошининг 30 ва чорак якунида 50 фоизгача миқдорда мукофотлаш, бажармаганларга эса 10 фоиздан 20 фоизгача жарима солиш белгиланган.

— Ҳар бир савдо ташкилотида касса аппаратлари мавжуд. Савдо ташкилотлари — банк мижозлари ҳисобланади. Нимага пул бергани ва тўлагани банкка маълум. Банк солиқ инспекцияси ва маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда: қани ўша сотишдан тушган тушум, деб сўрашга ҳақли-ку. Шундай эмасми?

— Жуда ўринли савол. Ҳозиргача етарли сўралмаганда. Тўлов, касса интизомини бузса ҳам қатъий чоралар кўрилмаган. Очиғини айтадиган бўлсам, жойларда бу соҳада ишламай қўйишганди. Энди мазкур қарор фидойилик билан ишлашни талаб этади. Бунинг учун моддий-иқтисодий чора-тадбирлар бор. Мамлакатимизнинг барча вилоятларига Марказий банк, Молия вазирлиги вакиллари жўнаб кетишди. Улар ушбу қарорнинг ҳамма жойда сўзсиз бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини ҳудудларда биргаликда ишлаб чиқмоқдалар. Энди аввалгидек жойларда бошқарув органлари, тегишли ташкилотлар ва хўжалик субъектлари раҳбарлари бу муҳим ишдан ўзларини четга олишлари асло мумкин эмас. Бу соҳани ўзибўларчиликка ташлаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Дарвоқе, қарор ва низом билан яна бир бор чуқур танишиб чиқсак шу нарса аён бўладики, нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш, жойларда пул муомаласини яхшилаш раҳбарлар ва мансабдор шахсларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Қарорда бу ишни назорат қилиш шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилгани бежиз эмас. Чунки ҳолва деган билан оғиз чўчимайди. Жойларда нақд пулларни банк кассаларига қайтариш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, албатта. Аҳолига савдо хизматини пухта йўлга қўйиш, бу ишни тобора ривожлантириб, янгилаб, бориш, моллар турларини кўпайтириш, аҳолига пулли хизмат сифатини тобора яхшилаш ва бу борада ҳақиқий назоратни пухта йўлга қўйиш орқалигина мамлакатимизда нақд пул муомаласи ва уни ташкил этишни рисоладаги даражага етказишимиз мумкин. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига баракали таъсир кўрсатиб, миллий валютамиз қадрини янада оширади.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» газетаси шарҳловчиси.

Факт ва шарҳ

АҲОЛИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

Омонатга қўйилган пуллар ва суғурта бадаллари индексация қилиниб, аҳолига берила бошланди

Ҳаёти давомида жамғарма банкига иши тушмаган одам бўлмаса керак. Кимдир йиққан даромадини маълум муддатга сақлаш учун банкка қўяди. Бошқа биров яхши бир ниятни кўнглига тугиб, маблағини кўпайтира боради.

Омади гапни айтганда, бундан давлат ҳам манфаат кўради, жамғарма банкига пул қўйган фуқаролар ҳам.

Сўнгги беш йил ичида ижтимоий ҳаётимизда оламшумул воқеалар содир бўлди. Мустақил давлат сифатида ўз эркимизга ўзимиз эга бўлдик. Мутлақо янгича турмуш тарзини тақозо этувчи бозор иқтисодиётига қадам қўйдик. *Аммо ҳаёт бир текис давом этмайди.*

Миллий валютамиз муомалага киритилгунига қадар рублнинг қадри кескин туша бошлади, нарх-наво ўзгарди. Ана шундай ўзгаришлар аҳолининг жамғарма банкларига қўйилган пулларига ҳам таъсир этмай қолмади, албатта. Давлат жамғарма банкларида сақланаётган пул маблағлари, суғурта учун тўланган бадаллар ўз кучи ва қадрини йўқотган эди. Бу, одамлар руҳиятига маълум даражада таъсир кўрсатгани сир эмас.

Бироқ Ўзбекистоннинг халқ сайлаган биринчи Президенти истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни давлат сиёсатида асосий йўналиш деб билди. *Давлатимиз мустаҳкамлана боргани сари бу халқпарвар сиёсат янада кучайиб, тобора аниқ қиёфа касб эта борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин исботи бўлди. Фармонга биноан 1992 йилнинг 1 январига қадар жамғарма банкига пул қўйган миллионлаб фуқароларнинг маблағлари яна қадр топди.*

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ***мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб ҳукматимиз ижтимоий ҳаётни яхшилашга қаратилган ҳар бир чора-тадбирни ўз вақтида изчил амалга ошириб, халқ олдида берган ваъдасини қатъий равишда бажариб келмоқда.*** *Индексацияланган пул маблағларининг 1 июлдан фуқароларга қайтарила бошлангани ҳам ушбу инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин намунасидир.*

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг раиси Нуриддин ***МУҲИТДИНОВ*** *ва Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Семён* ***ВАЛЬДМАН*** *билан суҳбатимиз айни шу Фармоннинг ҳаётга жорий этилиши ҳақида бўлди.*

Н. МУҲИТДИНОВ — Президентимиз И. Каримов раҳбарлигида давлатимиз томонидан жамият аъзоларининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлайдиган инсонпарвар демократик жамият қуриш дастури ишлаб чиқилди. Бозор иқтисодиёти талабларига асосланган мазкур дастурда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш алоҳида ўрин тутади. Шу борада Президентимизнинг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги **Фармонининг тарихий аҳамиятини** ҳар қанча таърифласак оз. Фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Мазкур Фармон ва қарор ватанимизда яшаётган биронта кексаю ёшни бефарқ қолдирмади. Ўша кезлар одамларнинг оғзидан «Давлат омонатдаги ва суғурта пулларини қайтарар эмиш!» деган гап тушмади.

Бу — шунчаки айтилган оддий сўзлар эмас! Бу сўзлар замирида давлатга бўлган ишончнинг мустаҳкамланиши, эътиқоднинг тобланиши ётибди. Президентимизнинг Фармони 5 миллиондан зиёд омонатчиларгагина эмас, уларнинг оила аъзоларига, демак, бутун республикамиз аҳолисига кўрсатилган адолатли ва ғамхўр сиёсатнинг амалда қарор топишидан далолат берувчи тарихий ҳужжат бўлди.

С. ВАЛЬДМАН — Ушбу Фармон, биринчидан, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг амалий кўринишидир. Иккинчидан, **бундай сиёсат аҳолининг ўз жамғармаларини банкларда сақлашга, қимматбаҳо қоғозларга ва суғурта ташкилотларига бўлган ишончини оширади.**

МУХБИР — Фармон ва қарор эълон қилинган кунларданоқ одамлар кайфиятида кўтаринки руҳ пайдо бўлди. Миннатдорчилик туйғулари изҳор этилди. Шу билан бирга омонатдаги ёки суғурта пулларининг қайтарилишига ишонмаганлар ҳам учради.

Н. МУҲИТДИНОВ — Ҳар қандай давлатнинг гуркираб ривожланиши учун энг аввало, фуқаро давлат раҳбариятига, ҳукматига ишонмоғи шарт. Бусиз жамиятнинг ривожланиши қийин. Президентимиз кўп бора таъкидлаганидек, халқ йўқчилик ва етишмовчиликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди. Бевосита саволларингизга келсак, айрим кишиларда ишончсизлик, шубҳа кайфияти учраганини тушуниш мумкин. Бунинг сабаби бор.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳатто қўлами жиҳатидан кичик тадбирларни амалга ошириш имкониятлари ҳам чекланган эди. **На ўша тузумда, на МДҲ давлатларида аҳолининг омонатга қўйилган пуллари кейинги қадрсизланиш йилларида ўз эгаларига қайтарилмади. Аҳолининг манфаатларини ҳимоялайдиган бундай қарорлар бошқа бирорта МДҲ давлатларида қабул қилинмаганди. Баъзан бу соҳада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва қабул қилинган қарорлар ҳам қоғозда қолиб кетди.**

Ўзбекистон шароитида раҳбариятимиз томонидан ҳар томонлама тарозига солиб кўрилган, хўжакўрсинга эмас, балки аҳоли манфаатларига мос келадиган, ҳақиқатан ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялайдиган қарор қабул қилинди.

Бундай тадбир биринчи бўлиб мустақиллик йўлидаги Ўзбекистонда амалга ошди! Бунга ўзимиз белгилаган тараққиёт дастуримиз борлиги, Ўзбекистоннинг ўз сиёсати, ўз қонунчилиги ва ўз йўли борлиги туфайли эришилди. Омонат пуллари ва суғурта бадалларининг эгаларига қайтариб берила бошлангани тўғридан-тўғри мустақиллик шарофати бўлди.

МУХБИР — Фармон ва қарорда белгилаб берилган вазифалар, табиий, катта ҳажмдаги ташкилий ишларни амалга оширишни тақозо этар эди. Шу борада қандай тайёргарликлар кўрилди?

Н. МУҲИТДИНОВ — Очиғини айтганда, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий маънода жиддий аҳамиятга эга бўлган тадбирни юксак савияда ташкил этиш зиммамизга катта масъулият юклади. Аҳолининг омонатлари бўйича пул маблағларини индексация қилиш ва тўловларни амалга ошириш ишларини тартибли ташкил қилиш мақсадида республика комиссияси ташкил этилди, вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари тузилди. Аҳоли ўртасида кенг қўламда ва мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунда барча оммавий ахборот воситалари имкониятидан фойдаланилди, ташкилотларда, маҳаллаларда учрашувлар ўтказилди. «Индексация» ҳисобларини очиш асносида юзага келган муаммолар комиссия томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиб, тезкорлик билан тегишли қарорлар қабул қилинди. Омонатчиларга барча қулайликларни яратиш мақсадида Халқ банки бўлимларида иш вақти узайтирилиб, қўшимча иш жойлари ташкил қилинди. Банкларимиз дам олиш кунларида ҳам аҳолини қабул қилдилар. Шунингдек, республика Вазирлар Маҳкамасида, Молия вазирлигида, Марказий банк, Халқ банкида фуқаролар саволларига жавоб бериш учун телефонлар ажратилди. Барча вилоят ва туманларда ҳам айни шу тажриба қўлланди.

С. ВАЛЬДМАН — Давлат суғурта муассасаларида ҳам барча куч-қувват ушбу тадбирга қаратилди. Жумладан, жойларда тушунтириш ишлари ташкил этилди. Суғурта муассасаларида дам олиш кунлари ва иш вақтидан кейин аҳолига маслаҳат берувчи кенгашлар доимий равишда ишлади. Ҳаёт суғуртаси, болалар ва никоҳ кунида бериладиган суғурта шартномалари бўйича индексация қилиниши лозим бўлган шартномалар рўйхатдан ўтказилди.

Барча суғурта шартномалари бўйича шахсий ҳисоб варақаларига 1992 йил 1 январига қадар тўланган бадалга индексация пули ҳисоблаб чиқилди ва 10 апрелга қадар рўйхатлар Халқ банки бўлимларига топширилди.

Н. МУҲИТДИНОВ — Тадбирнинг тайёргарлик босқичида 1992 йилнинг 1 январига қадар омонатга қўйилган ва 1996 йил 1 январигача сақланган жамғарма банки дафтарчалари рўйхатдан ўтказилди. Ҳар бир дафтарча эгаси номига махсус «индексация» ҳисоби ҳамда янги омонат дафтарчаси очилди. Суғурта идораси хабарномаси билан келган фуқаролар учун ҳам шундай дафтарчалар берилди.

Шу ўринда газетхонларимиз эски дафтарчадаги пул миқдори тўрт минг ҳисса кўпайтириб янги дафтарчага қайд этилганига алоҳида аҳамият беришларини истар эдим. Бунда рублнинг кескин қадрсизлангани ҳисобга олинди. Мисол тариқасида айтсак, минг рубль пули бир сўмга айланиб тарвузи қўлтиғидан тушган ва умидсизликка берилган одам бугун «4000 сўм» рақами ёзилган дафтарчани қўлига олса, нечоғли руҳланишини кўз олдимизга келтирайлик! Қўлига янги дафтарча теккан миллионлаб фуқаронинг қувончи ва миннатдорлигини тасаввур қилайлик!

С. ВАЛЬДМАН — Республика бўйича 425000 та суғурта шартномаси асосида индексация пулига хабарнома ёзиб берилди ва шу асосда Халқ банкида суғуртачиларга янги дафтарчалар очилди.

Н. МУҲИТДИНОВ — Республика бўйича жами 35 миллиард сўмлик индексация ҳисоблари очилди! Бу рақам Ватанимизнинг моддий қуввати юксала бораётганини, янада улкан иқтисодий дастурларни амалга ошириш сари ривожланиб, оёқда мустаҳкам туриб олаётганини кўрсатади!

МУХБИР — Суҳбатимиздан кўринадики, 1996 йилнинг 1 июли Ватанимиз мустақиллигининг мустаҳкамланиши йўлида ўзига хос унутилмас сана бўлиб қолади, десак янглишмаймиз.

Н. МУҲИТДИНОВ — Худди шундай! Такрор айтамиз: Индексация дафтарчасига эга бўлган фуқаролар 1 июлдан эътиборан истаган вақтда ва белгиланган тартибда тегишли ҳақларини ола бошладилар. **Дастлабки 3 кун ичида ҳеч қандай муаммосиз, тартибли равишда 150 мингдан кўпроқ омонат дафтарча эгаларига 255 миллион сўм пул тўланди. Омонатчиларнинг бир қисми индексация пулларини олиб бошқа омонат турларига расмийлаштираяптилар. Индексация пулини тўлаш бундан кейин ҳам юқори савияда, уюшқоқлик билан давом этади. Ҳеч қандай шубҳа-гумонга, миш-мишларга асос йўқ. Пул етарли, Халқ банкининг барча бўлимлари зарур миқдордаги пул маблағлари билан таъминланди.**

Шундай қилиб, ўтган йилнинг охирида шахсан Президентимиз И. Каримовнинг ташаббуси ва Фармони билан бошланган улкан тарихий тадбир қатъий режалар асосида, мана ярим йилда амалга ошди. Халқ билан давлат, халқ билан Президент якдиллиги мустаҳкам бўлган жамиятда бу каби хайрли ва қувончли ҳодисалар бардавом бўлишига шак-шубҳа йўқ!

Х. ДЎСТМУҲАМЕДОВ
ёзиб олди.
(ЎзА).

Мамлакатимиз Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу асосда қабул қилган қарори бўйича аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича индексация қилинган пулларини фоиз ҳисобида тўлаш 1 июлдан бошлаб амалга оширилмоқда. Халқ банкининг пойтахтимиздаги турли бўлимларида бўлиб, мазкур ҳамхўрликдан баҳраманд бўлаётган омонатчилар билан икки оғиз диллашдик.

Собир ШИРИНОВ, Тошкент Иқтисодиёт университети аспиранти:

— Юртбошимиз Фармони аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, халқимизнинг турмушини яхшилашга қаратилган. Шунингдек, миллий валютамизнинг қадрини ошириш йўлидаги ташланган муҳим қадам, деб ўйлайман. Бундай хайрли ишларнинг халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олиниши ҳам бунинг ёрқин далилидир. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида Халқ банки ходимлари томонидан унинг сидқидилдан ижро этилиши эса айни кўнгилдаги иш бўлди.

КАФОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Мария ЗОЛОХОВА, нафақахўр:

— Мен омонат кассага қўйган пулимдан умидимни узгандим. Фармон чиққани айни муддао бўлди. Бугун омонат кассага қўйган пулимнинг 10 фоизини, яъни 6000 сўмни қайтариб беришди. Жуда мамнунман.

Мажид ЗОКИРОВ, нафақахўр:

— Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу хайрли тадбир барча омонатчиларни суюнтириб юборди, десам муболаға қилмайман. Ахир, бир пайтлар не-не умидлар билан қўйган пулимиз ҳақида ўйламай ҳам қўйгандик-да. Бозор иқтисодиёти шароитида буни халқимизнинг ижтимоий ҳаётини яхшилашга қаратилган бир имтиёз сифатида қабул қилдим. Мамлакатимиздаги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан аҳолини бундай кафолатли ижтимоий ҳимоялаш катта ғамхўрлик намунасидир.

Абдулатиф БЕКМУРОДОВ
тайёрлади.

АҲМАД АКА БЕГОНА ЭМАС...

Дарвоқе, шундай. У ўзимиздан. Зарафшон соҳиллари, Пахтачидаги Гуруғли қишлоғидан. Падари бузруквори урушдан қайтмагач, барвақт ўзини меҳнатга урди. Кечки мактабда таҳсил кўрди. Тақдир тақозоси билан Самарқандга келишгач, уйларига яқин Регистон майдонида ишлаётган уста Болта Жураев назарига тушди. Ҳайкалтарошликни ёқтириб қолди. Устозининг йўриғи билан Москвада рассомчилик институтига йўл олди. Шунга ҳам қирқ йил бўлибди. Аҳмад Шоймуродов эса ҳайкалтарош.

Унинг ижодини Самарқандсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қўҳна ва навқирон шаҳарни безаб турган Спитамен, Жомий ва Навоий, Рудакий, Улуғбек, Охунбобоев ҳайкаллари Аҳмаджон ижодига мансуб. Регистондаги шоирлару халқ оқинлари, Пахтачидаги Қ. Суюнов, Б. Шовқиев, Нарпайдаги Ислом шоир, Булунғурдаги «Хотира», Нурободдаги Ашур Нурматов ҳайкалларининг муаллифи ҳам шу киши.

Метронинг Навоий номли бекатини безашда фаол қатнашган. Тўрт марта халқаро кўргазма совринини олган.

— Бой маънавиятимиз илҳом бағишлайди, — дейди санъаткор. — Шу мавзуга қайта-қайта мурожаат қилишим ҳам шундан. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий сиймоларини тошдан яратдим. Республика танловларида қатнашдим.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Аҳмад Шоймуродовни Болгария, Чехия, Венгрияда ҳам билишади. Ҳозир камтарин санъаткор мўъжазгина ҳовлисида устахона очиб, ижодга берилган. Устахона китоб ва чизмаларга тўла.

— Яратиш учун ўнлаб китобларни варақлашга тўғри келади. Қаҳрамонлар ҳаётини ўрганаман.

Аҳмад аканинг гапларидан кўнглимда севинч туйдим. Шундай касбига меҳр қўйганлар кўпайса қанийди, деган фикр келди хаёлимга.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.





ЁЗ ГАШТИ.

Содиқжон МАҲКАМОВ ва Муҳаммад АМИН олган суратлар.

БУХОРОЛИКЛАР МАРРАГА ЕТИШДИ

Галла мустақиллиги йўлида

Вилоят ғаллакорлари мамлакатда дон мустақиллигини таъминлаш йўлида баракали меҳнат қилмоқдалар. 60 минг гектар майдонда етиштирилган ҳосилдан улкан хирмон уйиб, давлатга 86 минг тоннадан зиёд сифатли дон топширилди. Режанинг бажарилишида Шофиркон, Қоракўл, Пешку, Боғот, Жондор, Вобкент, Бухоро туманлари ғаллакорларининг ҳиссалари диққатга сазовор бўлди. Ўнлаб пудратчилар гектаридан 55-60 центнердан хирмон кўтариб, Бухоро шароитида ҳам ғалладан юқори ҳосил олиш мумкинлигини исботладилар. Айни пайтда деҳқонлар ўрим-йиғимдан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишни давом эттирмоқдалар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатлар бўйими
нотасидан

КУЗДА ТЕРИЛГАН ПАХТА ПУЛИНИ ЁЗДА ОЛИШДИ

Газетамизнинг шу йили 18 май сонида бир гуруҳ газетхонларимизнинг «Кузда терилган пахта пулини ёзда оламизми?!» сарлавҳали танқидий мақоласи чоп этилган эди. Унда Шаҳрисабз туманидаги 32-мактабнинг X-XI синфлари ўқувчиларидан 80 нафари 10 ўқитувчи бошчилигида Усмон Юсупов туманининг Маҳтумқули номли жамоа хўжалиги пахта далаларида 1995 йил ҳосилини йиғиб-териб олишда ёрдам берганликлари, бироқ ҳашарчиларнинг ҳалол меҳнат билан ишлаб топилган пулларини ҳанузгача ололмай ораи-сарсон бўлиб юришгани баён этилганди. Ушбу мақола юзасидан таҳририят Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари Р. Раҳмоновдан жавоб хати олди. Унда, хусусан, шундай дейилади:

«Ўзбекистон овози» газетасида 1996 йил 18 май сонида чоп этилган «Кузда терилган пахта пулини ёзда оламизми?» сарлавҳали мақола жойида ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам, мақолада кўрсатилганидек, Шаҳрисабз туманидаги Алишер Навоий номли 32-ўрта мактаб ўқувчиларининг пахта пулларини У. Юсупов туманидаги Маҳтумқули номли хўжалик ҳисобида пул бўлмаганлиги сабабли тўлаш имкони бўлмаган.

Ҳозирги кунда ўқувчиларга пахта терими пайтида берилмай қолган 62292 сўм иш ҳақи рўйхат бўйича тўлиқ тарқатилди.

Мутасадди ташкилот ва банк раҳбарларига йўл қўйган камчиликлари кўрсатиб ўтилди. Бундан кейин шундай ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди.

Халқимизда ҳечдан кўра кеч яхши деган нақл бор. Агар шаҳрисабзлик ўқувчиларнинг бултур кузда терган пахта учун бу йил ёзда ҳақ олишгани чин бўлса, нақлнинг нақадар ҳаётийлигига ишора. Бироқ ҳар доим ҳам бу нақлга амал қилишни тавсия этмаймиз, чунки ҳадемай яна пахта терими бошланади...

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

КЎНГИЛ ҚЎЙМА ШАРОБГА

Қария Минисур Зайнуллина етмиш ёшни уриб ҳам қуйилмади. Заҳри қотилдан ичмаса ёруғ олам гўристонга айланади. Ичдими, лоши судралиб чойнак-пиёлани синдирган, бақирган, қўшниларини безовта қилган, хуллас, қутурган кўппакка ўхшаб оғзидан сўлаги оқиб, гоҳо уч кунлаб ётган жойида чўзилиб қолади. Қодир Ботиров билан 1950 йилдан бери никоҳсиз турмуш қуриб келади. Ўртада болалари бор, невара ҳам кўришган.

Минисур момо (садқаи момо кетсин) болалари бахтидан суйиниш ўрнига жиндек «обизам-зам»дан отиб олишни хуш кўради. Тўполончи онанинг дастидан болалари ҳам безиб, бошқа ёқларга кўчиб кетишган. Қўшниларининг жонига тўзим. Унинг вағвағидан қулоғи тинчимайди. Қачон қараса шанғиллагани-шанғиллаган. Уни «дом»дагилар на тўй-томошага, на бирон оғиз гапга қўшишади.

Қария ароқ ичдими бир уюм жандага айланади. Қилиғидан уялмайди. Ибо деган фазилатларни аллақачон араққа қўшиб «газак» қилиб юборган. Шундан бўлса керак рўпарасидан чиққан кишиларни «онанг... отанг...» дея сўкинаверади. Хушёрхонага топширишдан қўшнилар ҳам ор қилишади. Тўғри-да, тиригидан ўлиги қиммат бу кампирни судраб юриш кимга зарил кепти. Эри Қодир бобони гапириб ўтирманг. Хотининнинг ёмонлигидан қаро ер бўлган бадбахт унинг қилиғидан қўшниларини юзига тик қаролмайди. Аламиям, йиғисиям ичида бечоранинг. Хотини ҳушёр пайтлари ўгит бераверіб чарчади. Мен ўқиган насиҳатга эшак мулла бўларди, — деб ўкинчдан нарига ўтмади. Бўлмаганга бўлишма экан.

Ўтган йилнинг қиши. Қантар оғиб ерда қор турмай қолган пайт. Кун бироз илиган. Қодир бобо ташвишланиб қолди. Тўғриси, хотининнинг дағдасидан безиган эди. Самарқандга ўғлини кўриб келишга отланди. Аммо хотининнинг ажинаси қўзиди. Бормайсан, деб туриб олди. Қодир бобо унга фарзандларини соғинганини айтсаям кампир жаг қайраб, ходадай қадалиб тураверди. Кайфиятсизликдан ёмони йўқ. Қодир бобо зардоб ютиб, кунни кеч қилди. Бунгача кампир қиттак-қиттак отиб олиб, элакдай эланарди. Соат ҳам алламаҳал бўлган. Қодир бобо жойига ўтиб, пинакка кетди.

Минисур кампир эшикни очиб бир зум эрининг қошида чайқалиб турди. Аччиғи бетига тепдими қизариниб изига қайтди. Балкондан болтани олиб йўлакка судралди. Уйқуда бўлган эрининг ёнига қайтиб келиб, болтани баландлатди. Бор кучини тўплаб унинг бошига тиғ ботирди, сўнг устма-уст болта ураверди. Чавақланган эр тўшакда қонига ботиб оғир ихранарди. Уйдаги ваҳшиёна қичқириқлардан безовта қўшнилар милицияга хабар қилди.

Воқеа жойига мавзе вакили, қўшнилар етиб келишди. Минисур Зайнуллина ҳеч нарса кўрмагандай уларга бепарво қаради. Сўраб-суриштиришса ҳам ўзини оқ кўрсатди. Аммо унинг рўмоли-ю кўйлагига қон доғлари юққанди. У безрайиб:

— Берса ўн йил берар, ҳунарим бор, ишлайвераман, — деди.

— Ҳайф сенга, — дейишди қўшнилар.

Қ. Ботиров эса кўп қон йўқотиб касалхонада жон берди. М. Зайнуллина суд ҳукми билан ўзи башорат қилгандай ўн йил сафарга кетиб «ниятига етди». У сурункасига спиртли ичимликка берилди. Оқибатда ўз тан маҳрамининг ҳам бошига етди. Ўрнинсиз можаро эса қотилликка айланди. М. Зайнуллина оилада оналик бурчига хиёнат қилди. Ўз вужудида яратган фарзандларини ҳам ўзидан совутди. Ичкиликка қўйган ҳирс уни гирдобига тортди.

Аёллик шаънини ахлатга қорди. Охири ичгани бўлиб шароб, умрини этди хароб.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Шуҳрат РЎЗИЕВ.
Қарши шаҳри.

Истиқлол учун курашганлар

ЭРКСЕВАР ИНСОН ЭДИ

«Мен сен учун туғилдим, сен учун яшарман, сенинг учун ўларман, эй туркнинг муқаддас ўчоғи».
Абдурауф ФИТРАТ.

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги"га бағишланган танловга

Ҳадемай Ўзбекистонимизнинг, жаҳон жамиятига жадал қадамлар ташлаб бораётганига беш йил бўлади. Истиқлолимизнинг бугунги куни, ютуқлари, муаммолари ҳақида баҳоли-қудрат ёзиляпти ва ҳали тарих зарварақларига кўплаб ёзилади. Чуқур ва холис ўйлаб кўрилса, бу кунларга етишишимизга Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб, ҳаққоний баҳо берганларидек, «Қанча-қанча фидойи инсонларимиз, авлодларимиз жон бериб, қон ютиб, турли йўллар билан курашиб, истиқлолимиз, мустақиллигимиз учун бутун ҳаётларини бахшида этганлар». Эндиликда тарихимизда номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган бундай фидойи инсонлар, халқимизнинг қаҳрамонлари сифатида эъзозланмоқда.

Нисбатан унча узоқ бўлмаган, аммо Ватанимиз тарихига ўчмас саҳифалар бўлиб ёзилиб қолган, асримиз бошларидан то яқин кунларимизгача давом этиб келган машъум қизил империянинг зуғумига қарши курашган халқимизнинг мард ўғлонлари ҳақида ҳали кўп очилмаган, ўқилмаган сатрлар бор. Тўғри, машҳур давлат арбоблари Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаев ва бошқа баъзилар ҳақида тарихий ҳақиқат тикланди, ҳурмати бажо келтирилди. Лекин, уларнинг кўплаб содиқ сафдошлари, қуролдошлари, елкадошлари борки, биз ва келажак авлодларимиз улар ҳақидаги бор ҳақиқатни билиши, ўқиши ва ўрганиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Бу эса катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Тарихчиларимизнинг таъкидича, йигирманчи аср жаҳон тарихидаги энг машъум, фожиали юз йилликлардан бири бўлиб қолса, ажабмас. Чунки бу асрда совет мафкураси дунёга келиб, инсоният ўз қавмини маҳв этишнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган усулларини ўйлаб топган. Ана шу мафкура туфайли турли ноҳақликлар, чақимчилик, сотқинлик, хиёнат билан қатағон қилинган халқимизнинг минглаб асл фарзандлари руҳи олдида ҳали беҳисоб қарздормиз.

Ана шундай асримиз тонгида қуёшдай порлаб майдонга чиққан юзлаб фидойи зиёлиларимиздан бири, чор Россияси давридаёқ истиқлол, ҳурият учун кураш бошлаган инқилобчи Миробид Иноятовдир. У 1889 йилда Тошкентнинг Эски Жўва маҳалласида зиёлиҳунарманд оиласида таваллуд топди. Миробидлар оиласи аҳли ҳунарманд бўлишига қарамай, ўқимишли, маданиятли ва илғор фикрли кишилар сифатида бутун Эски шаҳар мавзесига яхши танилганди. У ёшлигидан жуда тиришқоқ, зукко, зийрак ва меҳнатсеварлиги билан ўз тенгқурлари орасида алоҳида ажралиб турарди. Мириноят отанинг Миробиддан ташқари Мираъзам, Миршароф, Мирҳомид деган ўғиллари, Саидабону, Насирабону исмли қизлари бўлиб, улар ҳам мадрасада диний билим олган, ўқимишли, хат-саводли эдилар. Миробид ака-укалари ўртасида ҳам илмга, янгиликка чанқоқлиги, дунёқараши билан ажралиб турарди. Шунинг учун мадрасани тугатгач, отаси уни Тошкентдаги маҳаллий аҳоли болалари учун очилган гимназияга ўқишга беради. У гимназияда Абдулла Қодирий билан бирга таълим олди. Рус ва жаҳон адабиёти, маданиятининг илғор, таниқли арбоблари асарлари билан танишди. Нафис адабиётдан таълим берувчи муаллим Николай Павлович Афанасьев илғор қарашли зиёли бўлиб, чор Россиясига қарши инқилобий фаолияти учун Туркистонга сургун қилинганлардан эди. У талабасидаги илмга чанқоқлик, ҳурфикрлилик, билимдонлик, эрксеварлик фазилатларини тезда пайқаб, Миробид билан дарсдан ташқари пайтларда ҳам шуғуллана бошлади. Туркистондан ташқаридаги меҳнаткашларнинг озодлик учун кураш ҳаракатлари билан уни таништира борди. Ва ниҳоят, инқилобий-сиёсий мавзулардаги асарлар билан ошно қилди. Миробид гимназияни аъло баҳолар билан тамомлади. У бу вақтга келиб араб, форс, рус тилларини ўз она тилидек мукаммал билар эди.

Эндиликда жамиятдаги нотекисликнинг моҳиятини анча чуқур англаш ва идрок қилишга қодир йигит меҳнат фаолиятини бошлади. Ота касби — заргарлик билан шуғуллана бошлаган бўлса-да, аммо ўқишўрганишни тарк этмади. Тошкентда ўзбек ва рус тилларида нашр этилаётган илғор ва тараққийпарвар матбуотни мунтазам мутолаа қилди. Абдулла Қодирий билан ҳамфикр, ҳаммаслаҳат бўлиб дўстлигини ўзмади. 1914-1915 йилларда рус ишчилар ҳаракатининг Туркистондаги таниқли арбоби Морозов билан танишди. 1916 йилдаги Туркистон миллий озодлик ҳаракатида фаол қатнашди. Ана шу пайтдан унинг қизғин инқилобий фаолияти бошланди. Худди шу йилнинг кузида рус социал-демократлар партияси сафига аъзо бўлди. Файзулла Ҳўжаев, Акмал Икромов, Фитрат каби маҳаллий инқилобчи тенгдошлари билан дўстлашди ва биргаликда ҳаракат қилди.

Эътиқодли, жасур ва эрксевар Миробидга катта ишонч билдирилиб, у 1918 йилда Эски шаҳар Совети ижроқўми раиси вазифасига тайинланди. 1919 йилда эса Тошкент Эскишаҳар шўро кенгаши раиси этиб сайланди, Чор Россиясининг мустабид эски тузумидан мерос бўлиб қолган очлик-ялангочлик, шаҳар хўжалигидаги вайронагарчилик, аҳоли орасида тарқалган вабо, терлама, қорабезгак каби юқумли касалликларга, шунингдек, рус шовинистлари, ички ва ташқи душманлар, чет давлатлар махфий жосуслари ҳужумига қарши кескин кураш биринчи навбатдаги ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан эди.

Ўша даврда ким дўст, ким душман, ким ҳақиқатда миллатни, халқни ўйлайди, ким фақат ўз тўнини ўзгартириб «большовой» бўлиб олган, ким ўз халқига, юртига қарши зимдан иш юритганини англаб бўлмасди. Ўта оғир вақтлар эди. Душманлар шаҳарда халқ учун зарур моллар ва озиқ-овқат маҳсулотларини яшириб, янги тузум ва унинг раҳбарларига, уларнинг иш фаолиятига қарши турли-туман бўҳтонлар ёғдирарди. Эскишаҳар шўро Кенгаши Миробид етакчилигида мана шундай ҳужумларга қарши кескин кураш олиб борди. Миробид Иноятов партиянинг 1- ўлка қурултойида вакил сифатида қатнашиб, Эскишаҳар меҳнаткашларининг жанговар курашлари ҳақида маъруза қилади. Унинг нутқи йиғилганларда ёрқин таассурот қолдирди. У гайрат-шижоатли, иқтидорли раҳбар бўлибгина қолмай, яхшигина нотиқ ҳам эди. Маҳаллий халқ орасида Миробид Иноятовнинг раҳбар сифатидаги обрўси йил сайин ўса борди. У камтарин ва хушфеъл бўлиб, меҳнаткашлар билан содда тилда сўзлашар, уларнинг қалбидан жой олар эди. 1920 йилда Туркистон АССР озиқ-овқат халқ комиссари, 1923 йилда Туркистон Халқ Комиссарлар Советининг Москвадаги мухтор вакилининг ўринбосари этиб тайинланди.

Йигирма олтинчи йилдан Миробид Иноятов Туркманистон ССР Молия Халқ Комиссари вазифасида ишлайди. 1933 йилда эса яна Тошкентга қайтиб, аввал жумҳурият «Мол тайёрлаш» ташкилотининг бошлиғи, кейинчалик эса Ўзбекистон савдо Халқ комиссари этиб тайинланади. Бу йилларда авж олган очарчилик халқ бошига тушган мисли кўрилмаган кулфатлар даври эди. Ана шундай оғир йилларда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан халқни таъминлашдек масъулиятли вазифада ишлаш ва унга раҳбарлик қилиш катта билим, тажриба, фидойилик талаб этарди. Деҳқон хўжаликларини ёппасига «коллективлаштириш» ҳаракати ҳам шу даврга тўғри келиб, ўрта ҳол деҳқонларни ва ким «колхозга» кирмаган, яъни аъзо бўлишни истамаган бўлса «қулоқ» қилиб ҳайдалар эди. Булар эса халқни озиқ-овқат билан таъминлаш масаласини янада қийинлаштирар ва унинг бошига келган кулфатга-кулфат қўшарди. У қаерда, қайси лавозимда ишламасин, ўз халқи эрки, Ватан келажаги, Туркистон бирлиги учун астойдил қайғурди.

Миробид Иноятов ўз вақтида сафдошлари Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаев, Турор Рисқулов, Абдурауф Фитрат ва бошқалар каби қизил империя ва «большевистик» сиёсатнинг маккорона мақсадини, совет тузуми ниқоби остидаги «ихтиёрий Иттифоқ»нинг асл маъноси ва моҳиятига тушуниб етган, яхши англаб олган эди. Совет Русияси ҳам чор Россияси, оқ подшо амалдорлари каби маҳаллий аҳолига, бошқа миллатларга, айниқса, маҳаллий халқларга нисбатан менсимаслик, ишончсизлик, босқинчилик, талончилик, сўзда бошқа — амалда бошқа сиёсат юргизишда ўтиб кетадиганлардан эканлигини тўғри тушунган Миробид Иноятов ўша даврдаги миллатпарвар ва ватанпарвар раҳбарлар қаторида Туркистоннинг мустақиллиги учун қайғуради. У маҳаллий эркпарвар, халқпарвар раҳбарлар, зиёлилар, адиблар ва бошқаларни бирлаштирган «Миллий иттиҳод», «Иттиҳод ва Тараққий», «Шўройи ислом» каби ташкилотлар тузилишида, ҳаракатида фаол иштирок этади. Уларнинг фаолиятига моддий ва маънавий ёрдамини аямади.

Миробиднинг акаси Миршароф қори ўғли қарийб 50 йилга яқин маориф соҳасида хизмат қилган Миржалол Иноятов ўз эсдаликларида шундай хотирлайди: «— Акам Москваданми, Ашхабодданми, қаердан келсалар ҳам Тошкентга келганларида, албатта, бизникида туриб, адамлар билан дийдор кўришиб кетар эдилар. Шундай пайтларда «тушликка ё кечқурун нонуштага меҳмонлар, уч-тўрт дўстларим билан келаман, Миржалол сен хизматга шай бўлиб тургин, иложи борича ортиқча одам бўлмагани маъқул» деб тайинлардилар. Мен ўша вақтларда 14-15 ёшларда бўлиб, мактабнинг юқори синф ўқувчиси эдим. Айтган вақтларида уйимизга кўпчиликка таниш бўлган раҳбарлар, асосан Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаев, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Акбар Исломовлар келишарди. Баъзи вақтларда мен танимаган кишилар ҳам ташриф буюришарди. Уларнинг бири Қозоғистондан, бири Тожикистондан, яна бири Фарғонадан, хуллас, турли шаҳарлардан ҳам келган бўлишарди. Бизга уларни таништириб ўтирмасдилар. Улар эшикни беркитиб олиб овқатланишар, сўнгра чой устида узоқ суҳбат қуришарди. Мен акамнинг имо-ишораларига қараб, нима керак бўлса олиб келиб турардим. Мендан бошқа ҳеч ким уларнинг олдига кирмаслигини қаттиқ тайинлаб қўярдилар. Шундай вақтларда уларнинг гап-сўзларидан миллий истиқлол, мустақиллик, диний эзтиқод эркинлиги, Умумтуркистон халқлари озодлик ҳаракати, деган жумлаларни англаб қолардим. Меҳмонлар кетгандан сўнг Миробид акамдан тушунтириб беринг, деб сўрасам «бу ерда эшитганларингни ҳеч кимга, ҳатто отангга ҳам айта кўрма, хўпми ука? Сенга ишонаман-а, шунинг учун бошқа ҳеч кимни, аралаштирмайман, биз, сенларнинг келажагинг учун қайғуряпмиз», дердилар.

Акам Тошкентга қайтиб келганларида 20 ёшларга кирган, мустақил фикрлай оладиган, ўқитувчилик билим юртини тугаллаб, мактабда ишлаётган эдим. Бир куни акамга Туркистонда, умуман шўролар давлатида бўлаётган, маҳаллий халқларга, уларнинг миллий урф-одатлари, доимий эзтиқодларига нисбатан юргизилаётган сиёсат ҳақида, совет турмуш тарзига тўғри келмайди баҳонасида одамларни бир қолипга солиб қўяётгани, турли сиқувларга олишлар тўғрисида сўзлаб, «бу ҳурлик, озодлик эмас-ку, ака, қачон ўз мустақиллигимизга эришамиз?» — деб сўрардим. Шунда акам «ука, анча нарсага ақлинг етиб, тўғри фикрлайдиган бўлибсан, лекин сен мендан бошқа ҳеч кимга, ҳатто энг яқин дўстингга ҳам бу гапларни айта кўрма, ҳозир аҳвол жуда оғир, айниқса, маҳаллий раҳбарлар, зиёлиларга қарши «ўлим машинаси», қатағон юргизилган, фитналар уюштирилмоқда ва бундан соғ чиқиш, қутулиш амри маҳол. Шунинг учун, сен аралашмаганинг маъқул. Ҳозирча куч уларнинг қўлида, аммо келажак авлодлар бир кунмас бир кун ёрқлиққа чиқадилар, яна айтаман бошқа бу мавзуда оғиз оча кўрма ва ҳеч ким билан сиёсат ҳақида сўзлашма!» — деганлар.

Ўша вақтда одамлар тўсатдан уйидан олиб кетилиб, қайтиб келмаган, «фалончини қамабди, пистончини отишга ҳукм қилибди, сургунга жўнатибди, бола-чақаси билан қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди» каби совуқ хатарли гаплар жуда авж олган эди. 1935 йилда акамни Тожикистонга ишга жўнатишиб, 1937 йилда Тошкентга иш билан келганларида, уйдан ҳибсга олиб кетишди. Ҳар нечук, ўзлари сезган эканларми, ҳамма билан видолашиб кетдилар. Уларга «миллатчи», «пантуркист», «панисломист», «шўро тузумига қарши аксилинқилобчи», «Ўзбекистонни иттифоқдан ажратиб, мустақил миллий жумҳурият ўрнатмоқчи бўлганлардан» каби сиёсий ёрлиқлар тақишган. Мени ҳам шу муносабат билан бир неча бор НКВДга чақиртириб сўроқ қилишган: «Аканг Миробид Иноятов билан бирга уйингларга кимлар келиб турган, улар нималар ҳақида суҳбатлашишар эди, шўро тузумига, иттифоқ қарши қанақа гаплар айтишган?» деган саволлар билан сўроқ қилишар эди. Мен улар фақат овқатланишиб кетишарди, ортиқча ўтиришмасди, мабодо гаплашиб қолишса ҳам, совет тузумининг афзалликлари ва уни қандай мустаҳкамлаш, халқни шу йўлда янада янги ютуқларга бошлаш, Совет Русиясининг бизга қилаётган ғамхўрлигидан муттасил аҳолини бохабар этиб туриш кераклиги ҳақида суҳбат қуришарди, келганларни ҳеч қайсисини танимайман, деб қутулардим. Мени ҳар хил йўллар, саволлар билан илинтиришга ҳаракат қилишарди, мен эса доим, бир гапда тураверар эдим».

Мана энди 16 ёшдан ҳуррият деб, шўроларнинг адолатли давлат, жамият қурамиз, ҳар бир халқ ўз ҳақ-ҳуқуқига эга бўлади, ўз тақдирини ўзи ҳал қилади, деган ваъда ва шиорларига астойдил ишониб, бор умрини халқи, Ватани озодлиги йўлида сарф этган, бунинг учун «нажот йўлини» излаган ва ана шу якка ҳукмрон мафкуранинг тиғи-парронига учраган Миробид Иноятов сафдошлари Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаев, Акбар Исломов, Рустам Исломов, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Отажон Ҳошим, Мунаввар Қори Абдурашидов, Қаюм Рамазон, М. Бурҳонов, Турор Рисқулов, Қосим Қориев, Саид Муҳаммадиев, Ҳамидхонов, Али Расулов, Ханиф Турнашев, Муслим Шермуҳамедов, Абдулҳай Тожиев, Турсун Ҳўжаев, Қушбегиев, С. Тиллахонов ва бошқа кўплаб халқимизнинг асл, буюк фарзандлари каби «Халқ душмани» тамғаси билан отишга ҳукм қилинди. Уларнинг оилалари сургун қилиниб, мол-мулки мусодара этилди. «Қатағон» машинаси Миробид Иноятовнинг турмуш ўртоғи Хайринисани ҳам четда қолдирмади. Уни ҳам бирга олиб кетиб, ўн тўрт ой қамоқда сақладилар. Фарзандлари Мирфаёз, Мираббос, Ойбўстон, Лаъли, Раъноларэса Оренбург ва унинг биқинида жойлашган Бузулук деган қишлоқда 14 ой сургунда бўлдилар. Ҳозирги кунда кенжа қизи Раъно Иноятова Тошкентда ҳаёт кечирмоқда.

Миробид Иноятовнинг табаррук номи ҳам 1956 йилда бошқалар қаторида оқланди. Аммо унинг ҳақидаги ҳақиқатни қирқ йилдан сўнггина мустақиллигимиз, истиқлолимиз шарофати ила ёзиш имконияти туғилди. Бизга ўз тарихимиз, ҳаттоки бир неча ўн йиллар аввал ўтган ота-буваларимиз ҳаёти, уларнинг курашлари, орзу-умидлари, қандай маслаку, қандай мустақилликка интилганлари, дарду ҳасратларини беркитиб келган мустабид қизил империя парчаланиб, халқларнинг асрий орзулари ушалди.

Қарангки, қайта қуриш номи билан совет империяси парчалана бошлаган йиллар баъзилар Болтиқбўйи, Кавказорти халқлари, раҳбарлари, уларнинг озодлик, мустақиллик учун бўлган хоҳиш-иродаси, курашларидан тўлқинланар ва улар азалдан шундай бўлганлар, деган фикрлар юрарди. Аслида эса бизнинг озодлик, мустақиллик, ҳурлик, Ватан ва миллат эрки учун жонимизни ҳам аямайдиган халқ эканлигимиз, узоқ ва яқин ўтмишимиздан маълуму машҳур бўлиб, бу йўлда кўпгина бошқа халқлар сабоқ олсалар арзийди. Шу ўринда жоиз бўлса, бугунги истиқлолимиз учун жон қуйдириб, унинг пойдеворини қўйиб кетган ота-буволаримизнинг орзу-армонларини, халқимизнинг азалий хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришда элимиз, юртимиз фаровонлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлашда жасорат билан ўз саъй-ҳаракатини аямаётган юртбошимиз Ислом Каримовга барча ўзини шу эл фарзандиман, шу Ватан фуқаросиман, деган киши жипслашиш ва доимо таянч бўлиб туришлигини истардим.

Мустақиллигимизнинг қутлуғ беш йиллик ва буюк соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи нишонланаётган ушбу кувончли йилда Миробид Иноятов ва юқорида номлари келтирилган, шунингдек, бу мақоламизга номларини киритолмаган ва бу йўлда жон фидо қилган барча юртдошларимиз руҳлари шод бўлиб, Ватанимиз узра кезиб юрган бўлса не ажаб...

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Миробид ЖАЛОЛ ўғли ИНОЯТОВ,
педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

Ислоҳот ва банк тизими

БЕДАХЛ САРМОЯНИ АСРАБ...

Бозор иқтисодиёти шароитига мослашиш, ибрат кўрсатиш ўзига хос зарурат. Қобилжон Обидов Андижон вилояти инкассация бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланганч, шулар ҳақда ўйлади. Қандай қилса, иши бароридан келади, бош қотирди. Билимини, ишчанлик ва тадбиркорликни омад омилларидан, деб билди. Инкассаторлар кўрик-танловини ташкил этсак-чи? Кимнинг нимага қодирлиги кўринармиди?

Кенгашли тўй тарқамас. Қобилжон ўз режалари билан республика Марказий банкининг вилоят бўйича ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Фарид Носиров ва эмиссион касса жараёнлари бўлимининг бошлиғи Татьяна Шелковниковаларга маслаҳат солди. Мутахассислар уни руҳлантиришди. Тез орада вилоят инкассаторлари кўрик-танловини дастлабки босқичи ҳудудларда ўтказиладиган бўлди.

Ўзбекистон банки тарихида биринчи марта мамлакат мустақиллигининг беш йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Инкассатор-96» кўрик-танлови шу тариқа қанот ёзди.

Ҳудудларда ўтган беллашувларда ғолиб чиққан Асака, Андижон-2, Охунбобоев, Қўрғонтепа, Пойтуғ жамоалари ўзларини кўрсатишди. Маълумки, инкассатор жисмоний абжир бўлиши керак. Шу боис танловда югуриш, тўсиқлардан ошиш, тўсинда чаққон одимлаш, махсус эгма жойлардан илдам тушиб, ўзларига биркитилган қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича баҳслашдилар. Кейинги босқич беллашуви инкассаторларни тез, аниқ, жадал-ҳаракат қилишлари билан боғлиқ бўлди.

Кўча тасодифларга тўла. Кутилмаган воқеалар бўлиши мумкин. Инкассаторлар давлатнинг бедахл сармоясини олиб келаётганида ногоҳ машина балони ишдан чиқди. Вазият тезкорликни тақозо этади. Инкассаторлардан бири автомашинадан тез тушиб, йўл четларига белги, ғилдиракларга тиргақ қўйди. Бошқаси қўриқлашга, қолганлар автомашинани ҳозирлашга киришдилар. Дадил, аниқ ҳаракат носозликни тез бартараф этишга имкон берди.

Кутилмаган тажовуз — чоғида жисмоний тайёргарлик асқотади. Нияти бузуқ мақсадига етолмайди.

Инкассаторларга билим, пухта назария ҳам зарур. Навбатдаги босқичларда қонунлару тарих, маънавий мерос, авлодлар ҳаётидан хабардорлик иш берди. Ҳакамлар ҳайъати Асака инкассаторлар гуруҳини ғолиб деб топди. Жамоа сардори, участка бошлиғи Шавкатбек Абдуғаниевга республика Марказий банки инкассация бирлашмасининг директори Б. Халилов яп-янги «Нива» автомобилининг калитини топширди. Қолган қатнашчиларга ҳам қимматбаҳо совғалар насиб этди.

— Андижонда бошланган инкассаторлар кўрик-танлови республикада давом этади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эмиссия департаменти бошлиғи Й. Эсонбоев. — Ҳайрли тадбир ташкилотчиларига раҳмат айтиш керак.

Вилоят инкассация бошқармаси кўрик-танлов ўтказишни республикада биринчи бўлиб бошлади. Қатор вилоятлардан келган меҳмонлар бу тадбирни юқори баҳоладилар.

— Андижонликлар бошлаган ишдан ибрат олса арзийди, — дейди Бухоро вилояти инкассация бошқармасининг бошлиғи А. Азимов. — Йигитларнинг маҳоратию малакасига, билимдонлигига қойил қолдик.

— «Кўрик-танлов касб малакасигина эмас, иқтидорлик намойишига айланди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси инкассация бошқармасининг бошлиғи М. Алланов. — Ижро этилган қўшиқлар ҳам таъсирли бўлди.

Инкассаторлар тўпланган сармояни махсус машиналарда маълум манзилга элтувчилар. Зеро, уларнинг заҳматли иши ва масъулияти ҳақида ҳамиша ҳам ўйламаймиз. Ваҳоланки, бедахлликни таъминлашнинг ўзи баҳодирлик. Танлов иштирокчиларининг чиқишлари катта завқ уйғотгани ҳам шундан.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***СУРАТЛАРДА:** мукофотни топшириш пайти ва асакалик ғолиб инкассаторлар гуруҳи.*

Х. АРАББОЕВ олган суратлар.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

• Россия Президенти Борис Ельцин мамлакатнинг ҳозирги Бош вазири Виктор Черномирдинга янги ҳукумат таркибини тузишни топширди. Бу ҳақда Виктор Черномирдин Россия давлат бошлиғи билан учрашганидан сўнг матбуот конференциясида шуни хабар қилди.

***

• Украинанинг Днепродзержинск шаҳрида маршрут йўналиши бўйича ҳаракатланувчи трамвай ўз йўлидан чиқиб кетиб қулаб тушди. Бу авария натижасида 32 йўловчи ҳалок бўлди, 90 киши жароҳатланди. Шу жойнинг ўзида 77 нафар киши тиббий муассасаларга ётқизилди. Украина Президенти Л. Кучма фармойишига биноан фожиани текшириш учун ҳукумат комиссияси тузилди.

***

• Россия Большой театри балет гуруҳи 20 йиллик танаффусдан кейин Австрияда ўз гастролини бошлайдиган бўлди. Москвалик артистлар бир ой мобайнида Грац шаҳрида ҳар йили анъанавий ўтказиладиган маданият фестивалида иштирок этишади.

***

• Буюк Британия тахтининг вориси шаҳзода Чарльз рафиқаси Диана билан ажралиш масаласини, чамаси, ҳал қилганга ўхшайди. Агар Диана Чарльзнинг шартларига кўнса, бунинг эвазига 20 миллион фунт стерлинг миқдорида пул олиши мумкин.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

НОН ЁКИ ЎЛИМ

Архангельсклик 16 ёшли Юля Н. битта нон учун қотиллик қурбони бўлди.

Воқеа бундай кечди: Юля дўкондан нон олиб келаётувди. Ўз уйининг подъездида уни нотаниш аёл тўхтатди ва нонинг биттасини беришни қиздан талаб қилди. Юля буни ҳазил деб ўйлади-да, аёл ёнидан ўтиб кетди. Шунда аёл унга орқасидан бир неча марта пичоқ урди. Юля ўша заҳоти қазо қилди. Қотил қўшнилар бақиригидан сўнг қочиб қолди, бироқ кўп ўтмай ушланди. У қирқ ёшли, иккинчи гуруҳ ногирони экан. Уни пичоқ кўтаришга нима мажбур этган — очликми ё руҳий касаллик, буни тергов аниқлайди.

БЎЛАЖАК ЭР-ХОТИНЛАР СИНОВИ

Ҳозирги кунда ёшлар орасида ажралишлар, қўйдичиқдилар жуда кўпайиб бормоқда. Бу ҳолни Норвегияда ҳам кузатиш мумкин. Шунинг учун бундан ташвишга тушган Норвегиянинг Сарпсборг шаҳри ЗАГС бўлими турмуш қурмоқчи бўлган ёшлар учун махсус синов жорий этди, яъни синов қоидасига кўра, уларни бир-бирига кишанлаб қўяди ва шу йўсинда улар 48 соат яшашади. Бу вақт мобайнида улар бир-бирини синайди, ўрганади, бирга яшаш қандайлигини тушунади ва шундан сўнггина агар хоҳлашса турмуш қуришга ариза беришлари мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ ЛАВОЗИМИ ҚАЧОН ЖОРИЙ ЭТИЛГАН?

Кўпчилик газетхонлар ана шу саволга билан таҳририятимизга мурожаат қилишган. Президент лавозими биринчи бор 1789 йили жорий этилган бўлиб, биринчи бор бу лавозимга АҚШнинг миллий қаҳрамони — генерал Жорж Вашингтон сайланган.

Бундан 200 йилдан

Сўраган эдингиз

зиёд вақт илгари бу лавозимни жорий этиш осон кечмаган. Конституция конвенти делегатлари бир неча ой давомида президентлик лавозимини таъсис этиш ҳақидаги масалани муҳокама қилишди. Кўпгина делегатлар бу таклифни кескин рад этишди. Уларнинг айтишларича, гўёки Президент — сайланган монарх сифатида шаклланармиш. Конвент делегатлари президент лавозимини жорий этиш ҳақидаги таклифга фақат бир сабаб — ушбу лавозим шахсан генерал Жорж Вашингтон учун аталганлиги боис рози бўлишди.

Кейинчалик президентлик лавозимини таъсис этиш ер шари бўйлаб бир мунча тез тарқалди. Айни пайтда олий ижроия ҳокимияти, яъни президентлик лавозими МДҲ, АҚШ, Франция, Миср, Финляндия, Португалия, Кипр, Лотин Америкаси ва Африка ва Осиёнинг анчагина давлатларида жорий этилди.

Президентлик лавозими парламент республикаларида ҳам мавжуд. Лекин уларнинг ваколатлари парламент ҳокимияти томонидан сезиларли равишда чегараланган. Бундай ҳол Италия, Ҳиндистон, Германия, Ливан, Туркия ва бошқа мамлакатларда мавжуд.

Аломатт гаплар

ОҲ, БУ СЕВГИ ДОҒИ!..

Ҳаёти давомида бир эмас, етти (!) марта яшин уриб, омон қолган дунёдаги ягона одам америкалик истироҳат боғи хизматчиси Рой К. Салливан ҳисобланади. Илк бор яшин билан у 1942 йили «тўқнаш» келди. Бу тўқнашув оқибатида Салливан бир оёғининг бош бармоғидан айрилди. Худди шундай тўқнашув орадан 27 йил ўтиб, 1969 йилнинг июль ойида яна такрорланди. Бу сафар унинг қоши куйди. Орадан роппа-роса бир йил ўтиб эса ўнг елкаси куйди. 1972 йилнинг 16 апрелида яшин унинг сочига кўз олайтирди. 1973 йил 7 август куни эса боши ва оёғини куйдирди. 1976 йил 5 июнда Салливаннинг тўпиғи яшин уриши натижасида қаттиқ шикастланди. Сўнгги бор яшин уни 1977 йил 25 июнь куни — балиқ овлаш пайтида «сийпаб» ўтди. Бунинг оқибатида унинг қорни ва кўкраги куйиб, оғир аҳволда касалхонага келтирилди.

Қирқ йил давомида яшин етти марта уриб ҳам куйдиролмаган одамни омадсиз муҳаббат доғи арзимаган муддат ичида куйдириб кул қилди — Салливан 1983 йилнинг сентябрида ўз жонига қасд қилди.

25 ЙИЛГА ЧЎЗИЛГАН ҲОМИЛАДОРЛИК

«Истуар де лъакадеми» журнали 1751 йилда ақл бовар қилмас муддат — 36 ойга чўзилган ҳомиладорлик ҳақида хабар берган. 1961 йили Ронгун шаҳрида ҳомиладорлик даври 25 йилга чўзилиб кетган бирмалик аёлнинг қорнидан жарроҳлик йўли билан 1,3 килоли қурушқоқ ғўдак чиқариб олинди. Маълум бўлишича, 1936 йили ой-куни етиб аёлни тўлғоқ тутган, бироқ бола туғилмай қоринда қолиб кетган.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

МУБОРАК ИЗЛАР ИЗИДАН

Соҳибқирон бобомизнинг ҳар босган қадами бир тилсим эканини энди англаяпмиз. Негаки, ҳар кун, ҳар ойда ул зоти шариф изларини излаб турли экспедициялар йўлга чиққанини эшитамиз. Сўнг бир дунё осориатиқалар ҳақида хуш хабарлар келади. Яна...

Ўтган ҳафта эса Қирғизистон тарафлардан бир ажиб насим келди. Аввалги Ўш— ҳозирги Жалолобод вилоятининг Сузоқ туманидан йўлга чиққан «Амир Темур — 660» деб номланган экспедиция аъзолари жума куни Тошкентга келишди. Гуруҳ аъзоларининг асосий қисми Сузоқ туманидаги хусусий мактаб ўқувчилари экан. Меҳмонлар қутлуғ сафар олдидан таҳририятимизга келишиб, ўзларининг дил сўзларини, қувончларини айтишди.

Собиржон Мазитов, шу экспедиция раҳбари, Сузоқ тумани ўзбек миллий-маданий маркази вице-президенти:

— Тўғриси, биз бу катта йўлга узоқ тайёрландик. Чунки Амир Темур ҳазратлари ҳазилакам манзилларни босиб ўтмаган. Аввал ул зот қадами теккан жойларни ўргандик. Энг қувончлиси, қутлуғ тўй арафасида йўлга чиққан экспедициямиз аъзоларини туманимиз ҳокими Равшан Қамчибеков ҳамда «Сотволди ҳожи» хайрия жамғармаси президенти Комилжон Сариқов ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб оқ фотиҳа беришди. Насиб этса, Туркистон, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларни зиёрат қилмоқни ихтиёр этдик.

Ҳали юқорида биз номини тилга олган хусусий мактаб Қирғизистонда ягона бўлиб, анча машҳур экан. Шу мактаб директори Ғуломжон Ҳомидалиевнинг айтишича, бу илм масканига ўқувчилар, ҳатто муаллимлар ҳам синов ва танлов йўли билан қабул қилинар экан. 230 нафар ўқувчи орасидан еттинчи ва ўнинчи синфларда ўқиётганлари мазкур экспедицияга танлаб олинибди.

Айниқса, таҳририятимизда бўлиб ўтган учрашувда қатнашган Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботирали Сиддиқов ҳақ гапни айтди:

— Ҳар қандай халқнинг ўз фахри, ғурурига айланган даҳолари бўлади. Шу ўринда мен Амир Темур ҳазратлари нафақат ўзбек халқининг, балки бутун туркий халқлар фахрланса арзийдиган зот эканлигини айтмоқчиман. Мени суюнтирган нарса не? Аввало, эсланглар, «Манас»нинг 1000 йиллиги тўйи нишонланганда Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида катта байрам бўлди. Энди Соҳибқирон бобомизнинг муборак тўйларини ҳам биргаликда ўтказмоққа тайёрланяпмиз. Қирғизистонда ҳам катта тадбирлар бошланиб кетганлигига анча бўлди. Бу экспедициянинг хабарини эшитиб, бошим осмонга етди. Илоё, йўлларингиз ойдин бўлсин. Бу йўллар ҳаммамизники. Икки халқни бирлаштириб турган Амир Темур бободай кўприклар омон бўлсин!

Шундан сўнг газета Бош муҳаррири Азим Суюн экспедиция аъзолари ва бошқа қондошларга салкам 80 йиллик ўтмишни ўз саҳифаларида асраб келаётган «Ўзбекистон овози» газетаси ва унинг кенг қиррали фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Олис Қирғизистондан йўлга чиққан экспедиция яна навбатдаги манзилга жўнаб кетди...

Норқобил ЖАЛИЛ.

***

СУРАТЛАРДА: таҳририятимизда бўлиб ўтган учрашувдан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН суратга олган.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи Ж. ИСКАНДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0363

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Спорт

ОТАХОН ГЕРМАНИЯГА БОРАДИ

• **ШАХМАТ. Фахрийлар ўртасида шахмат мусобақасини ташкил этиш Германияда бошланган эди. Мухлислар бундан 6-7 йил илгари ёши 60 дан ошганлар ўртасида жаҳон биринчилиги ўтказилаётганини ҳам билишади. Бу баҳсларда собиқ жаҳон чемпиони Василий Смислов, гроссмейстерлар Ефим Геллар билан Евгений Васюков ва бошқалар ғалаба қозонганлар. Икки йил аввал республикамиз вакили Евгений Мухин ҳам қатнашиб, 11 имкониятдан 8 очко жамғарган ҳолда 200 нафар шахматчи ўртасида 4-ўринни эгаллаб, кўпчиликни қувонтирган. Кени кеча эса Тошкентда республика шахмат фахрийларининг биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақада бир спорт мастери, олти нафар шу унвонга номзод ўзаро икки мартадан дона сурдилар. Иккинчи давра учрашувлари орасида Когон-Бударин ўйини қизиқарли бўлди. Ўйин ўртасида хатога йўл қўйган оқлар мағлубиятни тан олгач, 11 имкониятдан 9,5 очко тўплаган Г. Бударин зафар қучди. Унга тегишли соврин ҳамда Германияда бўлажак фахрийлар жаҳон биринчилигига йўлланма берилди.**

СЎНГГИ УЧРАШУВЛАР ОЛДИДАН

• **ФУТБОЛ. Эртага олий лига жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг биринчи давраси якунловчи тур ўйинларини ўтказадилар. 14-тур учрашувлари эса пешқадамлар мавқеини мустаҳкамлашга «хизмат» қилди. Чунончи, навбаҳорчилар «Наврўз» футболчиларини қабул қилиб (3:2), очколарини 38 тага етказдилар. Иккинчи ўринда бораётган «Нефтчи» ҳам ўз майдонида ғалабага эришди. Фарғоналиклар «Машъал» дарвозасига 4 та тўп киритиб, иккита тўп ўтказиб юбордилар. МҲСК футболчилари сафарда «Атласчи» билан учрашди. Бу ўйинда дарвозалар дахлсиз қолди. «Нурафшон» эса «Янгиер»ни қабул қилиб (4:1), муваффақият қозонди. Шундай қилиб, «Нефтчи»да 32 та, МҲСК билан «Нурафшон»да 29 тадан очко тўпланди. Пахтакорчилар эса «Сўғдиёна» дарвозасига 3 та жавобсиз тўп киритиб, очколарини 25 та қилиб олишди.**

Тилсим

«ЧЎПЧАК – МАЪШУҚА» ВА ТУЗОҚҚА ИНТИЛГАН «ОШИҚ»

Хаҳ одами тушмагур, бунчалик шайтон ҳукмига мойилу қойимсан. Хушнуд хабар бўлса бетўхтов у қулоғингдан кириб бу қулоғингдан чиқар. Манови эшитганинг чинми-ёлғон ҳамон ёдингда: «Фалон шаҳарда фалончи йигитни баттол талончи фоҳиша аёлни ишга солиб хилват гўшага-висол лаззати учун чақириб, бор-будини шилиб кетибди. Яхшиям жони омон қолибди...»

Менинг ҳам алдовга ўч қулоғим билан эшитганим кўрмаганни кўришга ошиқадиган кўзларим билан кўрганим «чўпчак-маъшуқа» эса ошиғини алдаб чақириб, тузоққа тушириб бериб яна халтача ичига кириб хотиржам ётабергани қизиқ. Ўғри ҳам, фоҳиша ҳам бир кунмас бир кун қўлга тушиб шармандаи шармисор бўлиши муқаррар. Бироқ «чўпчак маъшуқа» қадим замонлардан бизнинг кунларимизгача етиб келсада, қўлга тушмай, «даврон суриб» юрганига оз-моз ғоринасан-да киши.

Мана у қалин ўтпоя ичида тўр тагига кириб ёлғондакам «интизорлик» билан сайраяпти. Гўё ҳақиқий маъшуқа Висолни соғинган. Жуфтлашиш хуморида масту беҳол:

Питбилдиқ, питбилдиқ,
питбилдиқ,
Борми жон, ёнимга етгулик?
Борлиқни унутиб қўямиз,
Тўймаган томоққа тўямиз...
Сен хўроз, хўроздай қил
қилиқ
Питбилдиқ, питбилдиқ,
питбилдиқ!...

Маъшуқа овози далага сингади. Одам ҳали хотиржам эди. Қуёш ёниб, яшнаб турганди. Ўт-ўлан, дон-дун мўл эди. Қорин тўқ-қайғу йўқ. Хўрозлар чопонининг ўтпояга ўхшашлигидан, бу чопон билан ўтпоя ичида беҳадик яшаш мумкинлигидан қувонаётган одам бирдан ҳушини йиғиб олгандек, ҳушини йиғиб олгандек, ҳушини йиғиб олгандек... Ҳушини йиғиб олгандек... Ҳушини йиғиб олгандек...